Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
8 ФЕВРАЛЬ 1967 й.
ЧОРШАНБА
№33 (188).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИ

Ўзбекистонда сайлов кампанияси янги муҳим босқичга кирди: 7 февралда республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш бошланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республика Олий Советига халқнинг муносиб вакилларини, Ватанга, коммунистик қурилиш ишига садоқат билан қилган хизмати туфайли ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган кишиларни номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Сайлов олди йиғилишлари ҳамма жойда партия билан халқ монолит бирлигининг кучли намойишига айланмоқда.

□ □

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Тошкентдаги тепловоз-вагон ремонт заводи коллективининг сайлов олди йиғилишида жуда кўп киши қатнашди. Иккинчи механика цехининг мастери Иван Иванович Алешин сўзга чиқади. У, Улуғ Ватанимизнинг меҳнаткашлари Советлар мамлакатининг юбилей йилини меҳнат зафарлари билан нишонлаётганликлари тўғрисида, ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда коммунистик партиянинг роли ўсиб бораётганлиги ҳақида, Ўзбекистон Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов шарафига социалистик мусобақа янада авж олиб кетганлиги ҳақида гапиради. И. И. Алешин КПСС Марказий Комитетининг бош секретари **Леонид Ильич Брежневни** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Тепловоз цехининг мастери П. Г. Гриднев бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундан кейин чўян-қуйиш цехининг эритувчиси Я. Д. Дергач сўз олади. У, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланган илғор ишчи **Людмила Александровна Реутни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Людмила Александровна қарийб чорак асрдан буён заводда ишлаб келмоқда. У, ана шу давр ичида неча ўнлаб малакали ишчиларни тайёрлади.

Инженер Т. Мирхаитов, чўян қуйиш цехининг бошлиғи А. Д. Кауфман, завод бошлиғи Р. Т. Тадулевич, химия лабораториясининг раҳбари В. П. Гусаковалар ўз нутқларида тавсия этилган номзодларни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш Л. И. Брежнев ва Л. А. Реутни 6-Горький сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Тошкентдаги В. П. Чкалов номли заводнинг коллективида сайлов олди йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда старший мастер Х. С. Аҳмедов биринчи бўлиб сўз олди. Бутун Улуғ Совет давлатимиз каби республикамиз ҳам, — деди у, — сайловларни ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан кутиб олаётганлиги гоят қувончлидир. Ана шу муваффақиятларимиз кун сайин ортиб бормоқда. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётган ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз. Биз республиканинг муваффақиятларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ манфаатларига тамомила жавоб берадиган доно сиёсатининг ёркин ифодасини кўриб турибмиз.

Х. С. Аҳмедов ҳамманинг қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Алексей Николаевич Косигинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади.

Цехнинг старший диспетчери А. М. Свящченский минбарга чиқади. У таклифни қувватлаб, слесарь **Икром Акмаловни** республика давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Коммунист Акмалов заводда узоқ вақт ишлаб, чин новатор ва актив жамоатчи эканлигини намойиш қилди ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Шувоқчилар бригадасининг бошлиғи А. Усмонов, техник В. Рижова, цех партия ташкилотининг секретари И. Ф. Панин кўрсатилган номзодларни қизғин маъқулладилар.

Завод коллективи А. Н. Косигинни ва И. Акмаловни 27-Наримонов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.



Ю б и л е й ш а р а ф и г а

ҲИММАТ



Корхона цехларида меҳнат авжида. Меҳнатсеварлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейи шарафига мусобақалашиб ишламоқдалар.

Равиль Капкаев бошлиқ цех ишчилари компрессорлар учун қопқоқлар, электростанциялар, саноат корхоналари учун газ горелкалари, пахта қуритишга мўлжалланган «СТАМ-К2» агрегатларини ишлаб чиқаришяпти. Улар шу кунларда Афғонистон учун «НР—17» маркали буғ қозони ҳамда бошқа энергетика ускуналарини тайёрламоқдалар.

Ишлаб чиқаришга янгиликларнинг кенг жорий этилиши ўз самарасини беряпти. Январь ойида меҳнат унумдорлиги анча ошди, планда кўзда тутилган 50 дона қопқоқ ўрнига 65 қопқоқ ишлаб чиқарилди. Ўтган ойнинг ўзида цех фидокорларининг кучи билан сувғориш шохобчалари учун мўлжалланган металл «дарвоза»лар—дамбалардан 20 таси тайёрланди.

Айни кунларда цех коллективи Тошкент Чинни заводи заказини бажаришга киришди. Улар чиннисозлар учун 50 та газ горелкалари тайёрлаб беришади.

Цехнинг механика участкасида буғ қозонлар учун ҳар хил катталикдаги горелкалар тайёрланади. Виктор Лазарев бошлиқ бу участка аъзолари коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун курашмоқдалар.

— Бу йил,— дейди участка бош мастери Г. Манолис,— ҳар хил марказдаги горелкалардан 450 тасини тайёрлашимиз керак. Биз бу мажбуриятни албатта бажарамиз. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрамига ўз тўёнамиз билан борамиз.

Участкадаги ҳар бир ишчи юбилейни катта зафарлар билан кутиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. М. Миррахимов, К. Самигулин, М. Мамлиев сингари ишчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли январь ойида 27 та «ОЭН-75» маркали горелкалар тайёрланди. Февраль ойида газ горелкалари тайёрлаш икки баравар ошади, кўплаб металл «дарвоза»лар, дамбалар, стандарт бўлмаган ускуналар ишлаб чиқарилади.

Корхонада тежамкорликка, маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Буни қуйидаги фактлардан ҳам кўриш мумкин. Цех бўйича беш йилликнинг биринчи йилида 62 минг киловатт-соат электр энергияси, 62 тонна қора металл тежаб қолинди. 100 сўмлик маҳсулот чиқаришга 36 киловатт ўрнига 28 киловатт энергия сарфланди. Тежаб қолинган қора металлдан ҳажми 15-20 кубометр бўлган йирик цистерналардан 16 таси планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик юзасидан ва «Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида чиқарган қарорларига жавобан бу ерда 13 кишидан иборат кўрик комиссияси тузилди. Комиссия аъзолари корхона цех ва участкаларида иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг моҳиятини ишчиларга тушунтирмоқдалар. Январь ойининг ўзидагина цех бўйича 8 минг киловатт-соат энергия тежаб қолинди. Тежалган бу энергия пландан ташқари 2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

— Биз ишчиларни модий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берямиз,— дейди кўрик комиссияси аъзоси Соҳиб Гапиров.— Иқтисод ва тежамкорликда намуна кўрсатган ишчиларга мукофот ҳам ажратилди. Электрослесарлардан С. Ҳўжаев, Т. Метиевларга кўплаб энергия тежаб қолганликлари учун ой охирида топшириладиган мукофотдан ташқари 12 ярим сўмдан қўшимча пул ҳам бердик. Хуллас, бундан буён ҳам тежамкорликка катта эътибор берамиз. Чунки, барака тежамда эканлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Корхонанинг қозон-ремонти цехидаги ишлар мураккаб станоклар ёрдамида амалга оширилади. Бу ердаги станоклар фрезерчилар, слесарлар ишлашади. Беш йилликнинг биринчи йили охирида бу цехда янги станоклар ўрнатилди. «6М.82» маркали янги ўрнатилган 2 та станок авдалги станокдан унумдорлиги билан ажралиб туради. Бу станокда асбобларнинг корпуслари тайёрланади. Грузияда ишланган «1-63» маркали токарлик-қирқув станоги ҳам меҳнат унумдорлигини 3 баравардан зиёд ошириш имконини берди. Цехларда ўрнатилган янги, замонавий станоклар кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга шароит яратмоқда.

СССР рангли металлургия министрлигига қарашли «Средазэнергоцветмет» корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Корхонанинг изотоплар цехида химия саноатида, тоғ-кон саноатида, суғориш шохобчасида ишлатиладиган «РГЭ—2В», «НИВ—1», «ПГП—1», «ГГП—1» маркали приборлар ва бошқа ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

— Цехимизда ишлаб чиқарилаётган приборларнинг кўпчилиги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг медаллари ва ёрлиқлари билан тақдирланган,— дейди цех бошлиғи В. Бернштейн.— Ишлаб чиқарган приборларимизни ўтган йили Польша, ГДР, Болгария, Ҳиндистон республикаларига юбордик. Яна шуни ҳам айтиш керакки, цехимизда, тайёрланган маҳсулотлар Лейпциг ва Загреб халқаро ярмарка.ларида ҳам муваффақият билан намойиш қилинди. Шу кунларда эса Измир шаҳрида очиладиган халқаро ярмарка учун турли маркадаги асбоб-ускуналар тайёрланмоқда.

Улуғ Октябрь 50 йиллиги номини олиш учун курашаётган корхонанинг қўли гул ишчи, инженер-техник ходимларининг бу йилги ҳиммати баланд. Улар йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш, планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

С. ЁҚУБОВ.

КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонаси ходимлари китоб дўстларининг яқин кўмакдоши бўлиб қолишган.

Ҳозир кутубхона чет эллардаги кўпгина илмий муассаса ва ташкилотлар, кутубхоналар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.

Кейинги вақтда Скандинавия, Швецария ва бошқа мамлакатлардан ҳам адабиётлар олинди. Бу асарларни университет олимлари шу кутубхона орқали илтимос қилишган эди. Университет олими Р. Мекленбурцев қушлар дунёсини ўрганиш жараёнида унга айрим мамлакатлар билан танишишга тўғри келди. Бу маълумотлар Чехословакиядаги марказий орнитология илмий-текшириш институтида мавжуд бўлганлиги учун ҳам кутубхона олим илтимоси билан мазкур илмий муассасага керакли адабиётларни сўраб хат ёзди. Кўп ўтмай у сўраган асарлар Тошкентга юборилди.

Худди шундай илтимос билан университет доценти А. В. Веденский Скандинавиядан флора ўсимлигига бағишланган адабиётларни олишга муваффақ бўлди. Профессор В. Гурвич эса Скандинавиядаги ихтология ва гидробиология институти олимлари билан алоқа боғлади. Женевалик олим Г. Фрумкин «Қозоғистон археологияси» номли китобни кутубхонага совға қилди. У ўрта Осиёда бўлиб, археологик мактаблар билан бевосита шуғулланган эди. Ана шу ижодий меҳнат самараси сифатида бу асар майдонга келди.

«Ташсельмаш» заводининг коллективи етти йилликнинг иккинчи йилида Совет Иттифоқи пахтакорларига тўкилган пахтани йиғиш учун 7000 машина тайёрлаш мажбуриятини олган. Ҳозир бу корхона коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасига турди.

Суратда: пахта териш машиналарига узеллар тайёрлайдиган 10-цехнинг ишчиларидан йиғувчи слесарь Абдуманноп Шукуров ва пармачи Райҳон Ҳасанова. Улар кун сайин ишлаб чиқариш нормасини бир ярим ҳисса бажармоқдалар.

В. Сироткин фотоси.


ТАЛАНТЛАР ҲИСОБОТИ

Тошкент Давлат консерваториясининг концерт залида музика мухлислари билан тўлган. Улар консерваториянинг аспирантурасини тамомлаётган ёш талантларнинг ҳисобот концертини тинглаш ва уларнинг ижодий ишларига баҳо бериш учун бу ерга келганлар.

Ёш композиторлардан Рашид Ҳамраевнинг иккинчи симфоник асари тингловчилар диққатига ҳавола қилинади. Бир неча ёқимли куй ва қўшиқлар авторининг бу асари қарсаклар билан кутиб олинди.

Тўлқин Қурбонов ҳам санъат соҳасига биринчи бор қадам қўяётган умидли ёшлардан. Унинг симфоник оркестр учун басталанган учинчи симфоник асари ижро этилгач, томошабинларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Бу икки ёш композитор профессор Б. Зейдман раҳбарлигида таҳсил кўрдилар.



Р. КЕННЕДИ: АҚШнинг обрўйига путур етди

НЬЮ-ЙОРК. Сенатор Роберт Кеннеди Ғарбий Европага қилган сафаридан қайтиб келгач, мен Вьетнамдаги уруш жиддий ташвиш туғдираётганлигига ҳамма жойда дуч келдим, деди. Роберт Кеннеди, Вьетнам проблемасига ёндошишда Европа пойтахтларидаги фикр АҚШнинг фикридан бошқача, деган хулосага келганлигини айтди. Вьетнамдаги уруш натижасида, деди сенатор, Қўшма Штатларнинг обрўйига путур етганлиги очиқ кўриниб турибди.

Роберт Кеннеди шу сафарида Лондон, Париж, Бонн ва Римга бориб келди.

(ТАСС).

Ватанпарварлар зарбаси

ХАНОЙ. (ТАСС). Озодлик армиясининг жангчилари ва Жанубий Вьетнам халқи, дейилади ВИА агентлиги Озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида, ўтган йил Тхузаумот вилоятида душманнинг 15.986 солдатини, шулар қаторида америкаларнинг 8 мингга яқин солдатини сафдан чиқардилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душман қўшинларига қарши олиб борилган жангларда 234 та самолётни уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, 409 та ҳарбий транспорт воситаларини батамом яксон қилдилар ёки шикастлантирдилар, битта ҳарбий кемани сувга ғарқ қилдилар, 90 га яқин кўприкни емириб ташладилар ва 21 та «стратегия қишлоғи»ни вайрон қилдилар.

Студентлар полиция кучларига қарши

ГАВАНА. Латин Америкаси студентларининг қитъа ташкилоти Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг яқинда ўтказиладиган конференциясини қораламоқда. Бу ерда эълон қилинган баёнотда айтилишича, шу конференцияда АҚШ Америкаро қуролли кучлар тузишни қонунлаштириб олмоқчи ва Латин Америкаси халқларининг ички ишларига аралашиш ҳамда агрессия сиёсатини мана шу қуролли кучлар ёрдамида давом эттирмоқчи. Студентларнинг қитъа ташкилоти Латин Америкасидаги ҳукуматларнинг кўпчилиги Вашингтон буйруқларига қул каби индамай итоат қилаётганлигини ҳам кескин равишда қораламоқда ва қитъадаги барча студентларни АҚШнинг Латин Америкасида репрессия қилувчи полиция қуролли кучлари тузишга қаратилган янги найрангига кескин равишда қарши чиқишга чақирмоқда.

(ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЯМАНДА

САНО, (ТАСС). СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет мамлакатлар билан маданий алоқалар комитети раисининг биринчи ўринбасари Н. А. Муҳиддинов бошчилигида бу ерга расмий визит билан келиб, меҳмон бўлиб турган совет делегациясини Яман Араб Республикасининг президенти Абдулла Ассолол қабул қилди. Президент Ассалол билан совет делегацияси аъзолари ўртасида дўстона суҳбат бўлди.

Совет делегациясининг раҳбари Н. А. Муҳиддинов президент Ассалолга Совет Иттифоқи Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг мактубини топширди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан Яман пойтахтида қурилган ўрта мактабларни яман халқига туҳфа қилиб топшириш тўғрисидаги ҳужжатларни Санода имзолаш маросими бўлди.

Яман Араб Республикасининг президенти Ассалол совет делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

Трибунал ҳукми

АККРА. Гана ҳарбий трибунали Гана армиясининг сержанти Жорж Яу Беркони 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. У, ҳукмрон миллий озодлик кенгаши аъзоларига суиқасд тайёрланаётганлигини билгани ҳолда, бу тўғрида хабар бермаган, деб айбланди.

Бу — қўпорувчилик фаолияти билан алоқадор эканини кўриб чиқмоқ учун яқинда Ганада тузилган ҳарбий трибуналлардан бири чиқарган биринчи ҳукмдир.

(ТАСС).

Қимматчилик

ВЕНА. Кейинги вақтларда Австрияда кучайиб бораётган иқтисодий қийинчиликлар, деб ёзади «Арбайтерсайтунг» газетаси, гўшт маҳсулотлари билан қилинаётган савдо ҳажмида энди ўз ифодасини топди. Австрияда гўшт савдосининг ҳажми кейинги икки ҳафта ичида 10—12 процент камайди. Арзон гўшт ва колбаса навларининг нархлари кейинги йилларда айниқса жуда ошиб кетди. (ТАСС).

ЖОНЛИ СУҲБАТЛАР

«Главташке н т с т р о й» қошида ташкил этилган «Билим» жамияти пойтахтда янги уй-жой биноларини бунёд этаётган қурувчилар учун актуал темаларда лекциялар уюштириш, суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоб кечалари ташкил қилишни муваффақиятли бошлади. 3 февраль куни лекторлар бошқармасининг кўпгина қурилиш ташкилотларига йўл олдилар.

1-қурилиш механизация коллективи совет социалистик жамияти ҳақида лекция тинглашга тўпланди. Тошкент Давлат Университети иқтисод кафедрасининг старший ўқитувчиси Ф. С. Неточиев лекцияни жуда мароқли олиб борди. Қурувчилар кўпгина саволларга қониқарли жавоб олганлари учун гоятда мамнун бўлдилар.

«Главташ к е н т с т р о й» медицина қисмининг бош врачи Ҳ. Марқосимов шу бошқармага қарашли 8-автобаза шофёрлари ҳузурига борди. Врач шофёрларга «ичкиликнинг касофати» ҳақида гапириб берди. Шофёрлар учун спиртли ичимликлар ичиш биринчи навбатда кўнгилсиз воқеа — аварияларнинг содир бўлишига сабаб бўлади. Лекторнинг жонли, кўргазмали қуроллар асосида олиб борган суҳбати шофёрларда катта қизиқиш уйғотди.

ҚАҲР-ҒАЗАБ САДОСИ

ИҒВОГАР ЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводининг кенг майдонини неча минглаб ишчилар тўлғазди-лар. Уларнинг ҳаммаси Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари уюштирган иғвогарликларга ўз муносабатларини айтиш истаги билан умумзавод митингига келишди.

Минбарда корхона партия комитетининг секретари Н. И. Малихин. Йиғилганлар унинг Москвадаги Қизил майдонда ХХР дипломатларининг бевосита кўрсатувига мувофиқ, хитой студентларининг сурбетларча қилган хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги, Пекиндаги совет элчихонаси биноси олдидаги бебошликлар тўғрисидаги сапларини диққат бериб тинглайдилар.

Сўз етакчи цехлардан бирининг ходими Е. Д. Сафроновага берилади.

— Биз Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг қилаётган жиноятларига нафрат билдирамиз, — дейди у. — Мао Цзэ-дун ва унинг шогирдлари тамтароқ гапларни билан бизни ҳам, жаҳон афкор оммасини ҳам чалғита олмайдилар. Қилаётган ишларининг ҳаммаси Америка империалистларининг фойдасига бўлаётган бўлса, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатга зарар етказаётган бўлса, уларни қанақасига коммунистлар деб бўлади! Хитой бузғунчиларининг васваса режалари бутунлай чиппакка чиқажаги ҳаммага мутлоқ равшандир. Биз, совет кишилари, доно Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида, Совет ҳукумати теварагида ўз сафларимизни тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштирамиз, коммунизм қурилишидаги муваффақиятларимизни икки баравар ғайрат билан қўпайтирамиз. Ватанимизнинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қувватини кўтарамиз.

— Бузғунчиларнинг қўлларида қўр-кўрона қурол бўлган хитойлик тенгқурларимиз юзимизни ерга қаратди, — деди митингда завод комсомол комитетининг секретари Ш. Муродов. — Хитой ёшлари догматизмдан — қабиҳ таъсиридан халос бўлиб, чинакам революционерлар қаторига қайтадиган вақт узоқ эмаслигига ишонамиз.

Митингда старший мастер М. Я. Фаерман, разметкачи Г. П. Махариди, завод хотин-қизлар советининг раиси Ф. Тухватуллина Хитой Коммунистик партияси ва Хитой ҳукумати раҳбарларининг авантюристик сиёсатини кескин қоралаб гапирдилар.

Авиация заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари якдиллик билан қабул қилган қарорида ҳозирги Хитой раҳбарларининг иғвогарлик фаолиятларига қарши қатъий норозилик изҳор этдилар. Митингда қатнашганлар ХХРнинг Москвадаги элчихонаси номига норозилик телеграммасини юбордилар. (ЎзТАГ).

ТЎҚИМАЧИЛАР НОРОЗИЛИГИ

Хитой Халқ Республикасида СССР элчихонаси ходимларига ва у ердаги бошқа совет муассасаларининг ходимларига нисбатан йўл қўйилаётган қонунга хилоф ҳаракатлар ва ўзбошимчалик Тошкент тўқимачилик комбинати коллективини ниҳоятда ғазаблантирди.

Биринчи тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчиси П. Ф. Осьминкин комбинатда ўтказилган норозилик митингида нутқ сўзлаб, Хитойнинг ҳозирги расмий раҳбарлари советларга қарши кучайтираётган иғвогарлик ҳаракатларини қоралаб, бундай ҳаракатлар Хитой маъмурларига бадномлик ва шармандалик келтиради, холос, деди.

Пардозлаш фабрикасининг ишчиси С. Сатторова билан А. Шаймурзина, биринчи фабрика ремонт бўлимининг бошлиғи О. Ҳасанов митингда сўзга чиқиб, совет ҳокимиятининг баёнотини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар.

Митингда резолюция қабул қилинди. Митинг қатнашчилари бу резолюцияда совет кишиларига нисбатан бебошликни дарҳол тўхтатишни Хитой Халқ Республикаси ҳукуматидан талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

БОҒЛАРГА МУКОФОТЛАР

Пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларининг коллективлари ўтган йили бир қатор диққатга сазовор тадбирларни ўтказдилар. Қўшгина боғлар бағрида пионерлар лагерлари ташкил қилиниб, уларда минглаб болалар дам олишди.

Меҳнатнашлар учун ажойиб сайиллар, байрамлар ўтказилди.

Тошкент шаҳар Маданият бошқармаси, маданият ходимлари область касаба союз Комитети боғ коллективларининг ўтган йили намунали ишлаганликларини ҳисобга олиб, уларни муносиб мукофотлади.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг маъмурияти шаҳар Маданият бошқармаси ва маданият ходимлари область касаба союз Комитетининг Кўчма Қизил байроғи ва Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлди.

Ленин комсомоли номли, «Победа» маданият ва истироҳат боғларининг коллективлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

Шунингдек, ўтган йили болаларнинг яхши дам олишларини уюштирган М. Горький номли боққа ҳам шу ташкилотларнинг Фахрий ёрлиғи тақдим этилди.

Пойтахт боғларининг коллективлари шу кунларда янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Концерт заллари, кинотеатрлар, маданий бинолар сифатли ремонт қилинмоқда. Боғларнинг бадиий раҳбарлари юбилей йилида ўтказиладиган тадбирларнинг умумий режасини тузишга киришдилар.



Чилонзор массивининг ёнбағрида бутун мамлакат вакилларидан ташкил топган бинокорлар шаҳримиз аҳолиси учун турар жойлар барпо этишмоқда.

Суратда: Нижний Тагил, Свердловск ва Ярославль қурувчилари бунёд этаётган кошоналарни кўриб турибсизлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Барака - тежамда

МЕҲНАТ-ИЖОДКОРЛИК

Тонг. 2-Тошкент автокомбинатининг дарвозасидан тепасига шахмат нусхаси қўйилган «Волга» машиналар биринкетин чиқади. Таксичиларнинг иш куни бошланади.

Шу пайт устахонада ремонтчилар ҳам ишини қизитиб шоферларнинг шаҳар йўлларида қатнаши учун шароит яратишади. Слесарлар, токарлар, пайвандчилар ва бошқа касб эгалари машина узелларини ремонт қилиб, ишдан чиққан деталларни янгилари билан алмаштиришади.

Автомобиль ҳайдовчилар, ремонтчилар ишининг ҳам ўз гашти бор. Айниқса инсон тор доирада бекилиб қолмаганда меҳнат гашти янада қизиқарли бўлади. Бу пайтда меҳнат ижодга айланади.

... Тормоз системаси. Унинг аҳамияти автомашина ҳаракатида, айниқса таксида нақадар зўрлигини ким билмайди дейсиз. Кўп вақтгача бу иш унча ўнгидан келмай юрди. Ремонтда тормоз цилиндрларини тузатадиган мутахассислар етишмас эди. Автомобиллар бўш турарди.

Комбинат коллективи бу ишни йўлга солиш устида кўп бош қотирди. Ижодкор кишиларга мурожаат қилинди. Рационализаторлик ҳаракати авж олди. Ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиш ҳақида ўйлади. Токарлардан З. Мегроян ва Е. Савенков, слесарь Н. Сисоев, пайвандчи Б. Бектемиров астойдил изланишга киришди. Улар техника ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Житомирский, авторемонт устахоналари ва гараж бошлиқлари В. Анонов ва А. Бадзен билан ҳамкорликда ўз фикрларини амалга ошириш йўлида ишладилар. Қанча баҳс, мулоҳаза, маслаҳатлар қилинди.

Биринчи бўлиб ишдан чиққан асосий тормоз цилиндрларини гильза усули билан реставрация қилиш таклиф этилди. Сўнгра цилиндрнинг устки қисми зарур ҳажмда ишланадиган бўлди. Бу қисмларни ремонт қилиш технологияси такомиллаштирилди. Бунинг учун махсус мослама тайёрлашга тўғри келди.

Бу технологияда ҳам камчиликлар мавжуд эди. Шунинг учун новаторлар уни такомиллаштириш юзасидан ўз ишларини тўхтатишмади. Изланиш яхши натижа берди. Шу ускуна билан маҳсулот тайёрлаш кўпайди. Цилиндрларни пардозлаш сифати яхшиланди.

Агар илгари ремонт қилинган цилиндрлар автомашина эксплуатацияга берилганда синовдан ўтказилса, рационализаторлар кейинчалик бунинг бошқа йўлини излаб топдилар. Уларнинг ҳамкорлигида махсус стенд тайёрланди. Бу стендда ремонтдан чиқарилган цилиндрлар синовдан ўтказилади.

Ёки тормоз системасига суюқлик бериш олайлик. Илгари бу жуда кўп меҳнат билан амалга ошириларди. Суюқлик анча кўп сарфланарди. Эндиликда махсус мослама тайёрланди. Бу мослама минглаб сўм маблағни тежаб қолиш имконияти яратилди.

Авторемонтчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейи шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, ижодкорлик ишларини тобора ривожлантирмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ортириш ва сифатини яхшилаш учун барча цех, бригада ва участкаларда социалистик мусобақа кучайиб кетди.

З. БАДАЛЬЯН,
2-автокомбинатнинг бош инженери.
Л. МИШИН.

Беш йиллик илғорлари

СЛЕСАРЬ

Ярим тун. Ҳамшаҳарларимиз ҳузур қилиб орам олишяпти. Ўзининг сўнгги йўловчиларини манзилга элтиб қўйган охирги трамвай вагони ҳам депога йўл олди.

Иккинчи трамвай депосида ишнинг қизғин палласи. Навбатчи вагонларни қабул қилиб олса, иккинчиси маҳсус чуқурча устига ҳайдаб киряпти. Бу ерда вагон қисмлари ипидан игнасигача кўрикдан ўтади.

Кечалари меҳнат қилишга ўрганиб кетганлар бу депода кўплаб топилади. Уларнинг ҳаммаси оддий касб эгалари. Тунги сменада меҳнат қилиб ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлиб келаётган ўрта бўйли, қўллари меҳнатда қадоқ босган слесарь Шукрулла Асимов 16 йил аввал шу даргоҳга қадам босганида 15 ёшда эди. Боланинг ишбилармон, зеҳни ўткирлигини бир кўришдаёқ сезиб олган Абдураҳим Абдуҳолиқов ўзига шогирд қилиб олди. Ойлар ўтди. Шукруллининг ҳар бир ишига четдан аеҳн солиб юрган цех бошлиғи Тешавой Мирсоатов бир куни унинг қўлини маҳкам қисиб:

— Шукрулла, сен шу бугундан бошлаб мустақил ишлайсан, деди. Уни касбдошлари муборакбод қилганда ёш слесарнинг қалби севинчларга тўлиб-тошди.

Эндиликда Ш. Асимовнинг ўзи устоз ҳамда кашфиётчи. У ишлаган цех трамвайтроллейбус бошқармасида пешқадам бўлиб келмоқда.

Моҳир слесарь трамвай вагонларининг энг нозик ерларини ремонт қилади. Эшик компрессор Шукруллининг маслаҳатисиз ремонт қилинмайди.

Цилиндр ичидаги манжетлар ейилса, тормоз системаси ишламайди. Бу йўловчилар ҳаёти учун хавфли, албатта. Ш. Асимов цилиндрнинг овозини диққат билан тинглаб манжет ейилганлигини дарров фаҳмлайди.

— Шукрулла ўз касбининг моҳир устаси, ишбилармон, тиришқоқ йигит, — дейди депо мастери Қобил Назаров. — У катта-кичикни ҳурмат қилади. Ш. Асимовнинг издошлари иккинчи трамвай депосида кўплаб топилади. Маҳкам Умаров, Жўра Исҳоқов, Виталий Кимлар тунни қундузга улаб меҳнат қилаётганлардан. Улар ҳар куни ҳамшаҳарларимиз хизматига 100 дан ортиқ трамвай вагонларини шай қилиб қўядилар.

— Шаҳар транспорти хизматини яхшилашга озгина бўлса ҳам ҳиссамни қўшганлигимдан бахтиёрман, — дейдиган Ш. Асимовнинг меҳнатларини назардан тутган трамвай-троллейбус бошқармаси, депо маъмурияти уни бир неча бор фахрий ёрлиқ, раҳматнома ва пул мукофотлари билан тақдирлаган.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

1940 йил



15 ОКТЯБРЬ. Республика мактабларида ёш физик ва химикларнинг биринчи бутун Ўзбекистон олимпиадасининг биринчи тури бошланди.

15 ОКТЯБРЬ. Чирчиқ электрохимия комбинатида янги цех ишга туширилди.

30 ОКТЯБРЬ. Оҳангарон кўмир конида, Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида 1-шахта қурила бошланди. Дастлабки 10 метр капитал ствол қазилди. 1-шахтадан 200 метр нарида проходкачилар 2-шахтанинг стволини қазишга киришдилар.

ОКТЯБРЬ. Чирчиқ азот ўғитлари комбинатида янги цехлар ишга туширилди.

4 НОЯБРЬ. Меҳнат резервлари республика бошқармаси ташкил этилди.

6 НОЯБРЬ. Ҳамза номли театрда Н. Погодининг «Милтиқли киши» драмаси саҳналаштирилди. Ўзбек саҳнасида биринчи марта Владимир Ильич Ленининг образи яратилди. Ленин ролини артист Саъдихон Табибуллаев ижро этди.

НОЯБРЬ. Ўзбек адабиётининг классиги Алишер Навоийнинг энг яхши портрети учун ўтказилган Бутуниттифоқ конкурси жюриси конкурсга якун ясади. Тошкентлик рассом В. Кайдалов ишлаган Алишер Навоийнинг графика портрети 5 минг сўмлик иккинчи мукофотга сазовор бўлди.

НОЯБРЬ. Мирсоатов ва Қосимовалар томонидан тузилган биринчи немисча-ўзбекча луғат босмадан чиқди. Бу луғатни Ўзбекистон Давлат ўқув педагогика нашриёти нашр этди.

1 ДЕКАБРЬ. Тошкентда темир йўл билим юрти ва олтита фабрика-завод таълими мактаби очилди.

10 ДЕКАБРЬ. Чирчиқ азотли ўғитлар заводининг тайёр маҳсулотлар складидан Андижон район колхозчилари учун дастлабки ишлаб чиқарилган азот ўғитлари жўнатилди.

15 ДЕКАБРЬ. Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг биринчи классли учувчиси Л. Ф. Агапов Урганч—Чоржўй трассаси бўйлаб парвоздан қайтиб, Ўзбекистондаги биринчи «миллионер» учувчи бўлди.

18—21 ДЕКАБРЬ. Тошкентда шойи тўқиш саноати ходимларининг Бутуниттифоқ техника конференцияси бўлиб ўтди.

18 ДЕКАБРЬ. Эрта билан соат 10 да «Ангрешахтстрой» биринчи шахтасида дастлабки тонна кўмир қазиб чиқарилди.

21 ДЕКАБРЬ. Тошкентда темир йўлчилар Маданият саройи очилди.

26—29 ДЕКАБРЬ. Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг X съезди бўлиб ўтди.

ДЕКАБРЬ. Аэрофлот Ўзбекистон бошқармаси Тошкент — Москва авиалиниясида учувчи пассажирларга хизмат кўрсатиш учун 20 ўринли тезучар самолётлар олди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 бет

ҲУЖЖАТЛИ „ЛЕНИНИАНА"

БИР ТЕЛЕГРАММАНИНГ ТАРИХИ

В. И. ЛЕНИНнинг Асарлар тўпламида баъзи ҳужжатлар борки, уларнинг тафсилот тарихи ҳақида тўла материал берилмаган. Шунинг учун ҳам ҳужжатли «Лениниана»да навбатдаги «номаълум» нарса аниқланганда, кўз олдимизда Владимир Ильичнинг кўп қирали фаолияти саҳифалари равшан бўлиб, тадқиқотчи бундан роҳатланади.

В. И. Ленининг бир телеграммаси тарихини ўрганишга киришар эканман, мен шундай ҳолатни ўзимда ҳис қилдим. Бу телеграмма ҳам Владимир Ильичнинг Асарлар тўпламида босилган. Аммо уни шарҳловчи изоҳ йўқ. Шунга қарамай, телеграмманинг ҳар бир сатрида жаҳондаги биринчи ишчи деҳқон давлатининг кураш тарихи акс этган.

1921 йилнинг 27 июнида Владимир Ильич Ленин Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Озиқ-овқат комиссари номига ёзган телеграммасида бундай дейилган:

«Ҳозиргина сизнинг ўлкангиз сафаридан қайтиб келган ўртоқ Бадаев менга маҳаллий дўстларимиз уни яхши кутиб олганлиги, Москва ва Питер ишчилари ишига бажонидил муносабатда бўлганликлари тўғрисида қисқагина гапириб берди.

Барча маҳаллий ўртоқларга менинг номимдан чуқур миннатдорчилик айтиб, бундан буён ҳам пойтахт ишчиларини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳар томонлама ғайрат ва шижоат билан ёрдам беришлари тўғрисидаги илтимосимни етказишингизни сўрайман.

Аҳвол жуда оғир. Ҳар томонлама ёрдам керак. Ишончим комилки, қўлингизда келган барча ёрдамни аямайсиз. Коммунистча салом йўллайман».

1921 йил Совет Республикаси учун ниҳоят оғир йил эди. Кронштадт исёни, сўнг мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги оқ гвардиячи, қулоқлар кўзғолони мамлакат ички аҳволини кескин оғирлаштирган эди:

1921 йилнинг ёзи ва кузида мамлактда оғир табиий офат юз берди — Волга бўйида қурғоқчилик ва очарчилик бошланди. Фақатгина офатга йўлиққан районларда эмас, балки Москва ва Петроградда ҳам озиқ-овқат масаласи оғирлашди. Худди шу пайтда В. И. Ленин ташаббуси билан ўша пайтда Петроградда озиқ-овқат масалалари билан шуғулланиш бошлиғи А. Е. Бадаев Самарқандга жўнатилди. У Самарқанддан қайтгач В. И. Ленин қабулида бўлди. Юқорида биз тилга олган В. И. Ленин телеграммаси унинг Туркистон ўлкасидаги ортиқча дон ва Ўрта Осиё меҳнаткашларининг рус халқига ёрдами юзасидан доклади натижасида ёзилган эди.

СОВЕТ ҳукумати бошлиғининг бу мурожаати маҳаллий матбуотда эълон қилингач, жуда катта ғайрат уйғотди. Москва ва Петроградга 250 минг пуд ғалла юборишга қарор қилинди. У ғалланинг деярлик ярмини ўша пайтда Туркистон составига кирган биргина Самарқанд области берди.

Туркистон Республикасининг партия ташкилоти Ленин топшириғини бажаришни партия кадрларини мустаҳкамлашдан бошлади. 1921 йилнинг июнь ойида Озиқ-овқат халқ комиссарлари коллегиясининг аъзоси коммунист Иван Иванович Малахов Самарқанд озиқ-овқат губерния комиссари қилиб тайинланди. Ўша пайтда Самарқандга ғалла тайёрлаб жўнатиш билан шуғулланадиган иккита делегация келди. Улардан бири — Петроград делегациясига С. Воробьев бошчилик қилди, иккинчиси Москвадан Красная Пресня районидан келган эди. Бу делегация составига Боровиков, Князев, Рабинович киритилган эди.

Вақт ниҳоят ҳаяжонли эди. Маҳаллий бойлар ва босмачилар тўдалари қишлоқ ва район марказларига тез-тез бостириб кириб, маҳаллий аҳолини террор қилишарди. Совет ҳокимияти кескин синфий курашда ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу оғир шароитларда ишлаш учун куч, ирода ҳамда партияга чексиз садоқат керак эди. Москва ва Петрограддан келганларнинг ҳаммаси қийинчиликларга бардош бериб, озиқ-овқат тайёрлаш ва жўнатишга киришдилар.

И. И. Малахов уларнинг жони-дили эди. У мавжуд имкониятларни топиб, вагонларни тайёрларди. Каттақўрғонда дарё тошиб, ғаллани юбориш мушкул бўлиб қолганда И. И. Малахов ғаллани отларга юклаб, дарёдан олиб ўтишни ташкил қилди. Каттақўрғон станциясида ҳўл буғдой қуритилиб, сўнг қопланди. Ёпиқ вагонлар етишмасди. Малахов ғаллани қаердандир топган брезент билан ёпиб, очиқ вагонларда юборди. Кузга келиб топшириқ бажарилди. Красная Пресня ишчиларининг делегацияси Москвага қайтиб келди...

1921 ЙИЛНИНГ 8 НОЯБРИДА байрам куни бўлишига қарамай Красная Пресня район Совети президиумида эрталаб ижрокомнинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Сақланиб қолган қарордан кўчирмада бизгача ўша куни муҳокама қилинган масалалардан бири етиб келди. «Эшитилди, —деб ёзилган қарорда, — Туркистонда Красная Пресня экспедициясининг қилган иши ҳақида. Қарор қилинди: доклад асос қилиб олинсин. Красная Пресня Совети президиуми номидан Красная Пресня ишчиларига товар айрибошлашда кўрсатган ғамхўрлик учун Туркистон Республикасининг Самарқанд область комиссари И. И. Малаховга чин қалбдан дўстона ташаккур айтилсин».

Яна бир неча ойдан сўнг Москва касаба союзининг олий органи — губерния профессионал Совети Красная Пресня ишчиларининг итимосига кўра шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. «Москва губпрофсовет президиуми, — деб ёзилган у қарорда, — озиқ-овқат тайёрлашда Туркистон экспедициясининг катта ишларини эътиборга олиб, озиқ-овқат фронти қаҳрамони ўртоқ Малаховнинг номи (Самарқанд область Озиқ-овқат комиссари) Қизил тахтага ёзилсин».

...КРАСНАЯ Пресня ва Самарқанд. Бу икки шаҳар ўртасида минглаб километр масофа бор. Аммо биродарликнинг юксак моҳияти шундаки, бахтсизлик ва оғир кунда дўстлар бир-бирлари билан яқинлашиб, ўз қалб амри билан ажойиб ишлар қиладилар. Бу эса чексиз пролетар интернационализми кучи, Ленин ғояларининг сўнмас нурини яна бир бор исботлайди.

Бу ҳақда биз ҳозирги кунда шахсий пенсионер, коммунистлар армиясининг оддий жангчиси Тожикистон пойтахти Душанба шаҳрида истиқомат қилувчи И. И. Малахов томонидан СССР Давлат Революция музейи ходимларига берилган материаллардан билиб олдик.

А. ГАК,
СССР Революция музейининг старший илмий ходими.

«КРЕМЛДА ЛЕНИН ЯШАГАН ВА ИШЛАГАН ЖОЙЛАР»



«Ўзбекистон» нашриёти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб Людмила Ивановна Кунецкая ва Зоя Андреевна Субботина ларнинг «Кремлда Ленин яшаган ва ишлаган жойлар» деган китобини ўзбек тилида кўп нусхада нашрдан чиқарди.

1918 йилнинг февраль эди. Немис қўшинлари Псковни ишғол қилиб, Петроградга қараб йўл олдилар. Рус революциясининг бешиги хавф остида қолди. В. И. Ленин таклифи билан Халқ Комиссарлари Совети «Совет ҳукумати Москвага кўчирилсин» деган қарор қабул қилди. Москвага 1918 йилнинг 11 мартидан 12 мартига ўтар кечаси кўчилди. Халқ Комиссарлари Совети ва Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг аъзолари махсус поездда янги пойтахтга етиб келдилар. 12 март куни эса кундуз соат 2 да Троицкий дарвозасидан Владимир Ильич биринчи марта Кремлга қадам қўйди.

... Ҳозирги Кремль ўша вақтда Ленин назарида намоён бўлган Кремлга мутлақо ўхшамайди. Ўша дамларда Октябрь жангларининг оқибатлари ҳали кўп ерда кўзга яққол ташланиб турар эди: бинолардан артиллерия ва қуроллардан отилган ўқларнинг излари бор, дераза-ларда ойна қолмаган эди. Ленин Халқ Комиссарлари Совети жойлашадиган бинони кўздан кечириб чиққач, ҳаммадан олдин бино тепасига давлат байроғини ўрнатишни илтимос қилди, шундан буён ана шу Қизил байроқ Кремль устида мағрур ҳилпираб турибди.

Шунингдек, бу китобда Ленин яшаган ва ишлаган кабинети ҳамда Владимир Ильич партия съездлари ва конференцияларида қандай раҳбарлик қилгани ва у Катта Кремль саройида бир неча марта Коммунистик Интернационал конгрессларида нутқ сўзлагани ва бошқа муҳим, ажойиб воқеалар ҳақида маълумот берилган.

ЯНГИ КИТОБ

ФЕСТИВАЛЬ РЕПЕРТУАРИ

ДОҲИЙ ПАРТИЯМ



Соло: Партиям меҳрингдан бахтларга ёрмиз,
Дўстларга ўзингдай чин мададкормиз.
Қардошлик боғингда етдик вояга,
Қаерга чақирсанг шу ерга бормиз.


НАҚАРОТ:

Хор: Жаҳонга арзир салобатинг бор,
Рўёбга чиқар башоратинг бор.
Дона партиям, доҳий партиям,
Ленинга меҳру сахобатинг бор.

II соло: Ўргандик яшашни бахт мактабингда,
Ленинга ҳақиқат ҳар бир гапингда,
Коммунизм тонг бўлиб нур сочар ҳарён
Бу йўлдан борамиз шонли сафингда.

НАҚАРОТ:

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ



СУРАТДА: телеграф-телефон дивизионининг жангчилари Петроград кўчаларида трамвай линиясини ётқизишмоқда. 1920 йил.

Шарқ юлдузи журналининг январь сони босмадан чиқди. У атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг «Дунё боқий» номли шеърлар дастасига киради

«Шарқ юлдузи»

Жаҳон ойнаси

ХУРОФИЙ ОДАТЛАР ЙЎҚОТИЛЯПТИ

Маҳорожа ва набоблар, хасис судхўр ва шафқатсиз ер эгалари захматкаш ҳинд халқини юз йиллаб эзиб келдилар. Унинг ҳуқуқсизлиги ва қашшоқлиги Англия мустамлакачилиги даврида янада ошди. Паст табақа ва қолоқ қабилаларнинг аҳволи айниқса оғир эди.

Ҳинд қонунларига мувофиқ «даҳлсизлар» деб аталган паст табақанинг вазифаси юқори табақадаги барча шахсларга хизмат қилишдан иборат эди. Мустамлака Ҳиндистонида бу одатларга ҳурмат билан риоя қилинарди. «Энг юқори табақадаги киши ҳар қандай камбағал бўлса ҳам, — дейилади ҳиндларнинг диний ақидаларида, — у, айтайлик, харом ўлган молнинг терисини шилиб олиш ёки умум фойдаланадиган жойларни тозалаш каби ифлос ишларни бажармаслиги керак. Бу ишлар учун «даҳлсизлар бор». Бошқа бир хил табақалар «даҳлсизлар» билан қандай бўлса ҳам муносабатда бўлиш, улар билан бир жойдан сув ичиш, умуман идишлардан фойдаланишни ман этувчи қоидаларга қаттиқ риоя қиладилар. Улар ҳеч қачон «даҳлсизлар» билан қариндош тутинишмаганлар ёки қандай бўлса ҳам келишув ва битим тузмаганлар.

Паст табақалар ва қолоқ қабилаларнинг ҳуқуқсизлиги мустамлакачилик ҳукмронлигининг охирги кунларигача давом этиб келди. Фақат озод Ҳиндистондагина уларнинг инсоний қадр-қийматларини оёқ ости қилишни тақиқловчи ва уларнинг социал-иқтисодий ривожланиш йўлига чиқиб олишлари учун имконият яратувчи қонунлар қабул қилинди.

Мамлакат конституциясининг қоидаларига мувофиқ паст табақа ва қолоқ қабилаларнинг вакиллари учун марказий парламентда, штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларида ва маҳаллий ҳукумат органларида эҳтиёт ўринлар қолдирилади. Ҳукумат хизматида улар учун маълум процентдаги мансаблар ажратилади, ўқув юртларида бўш ўринлар ва стипендиялар қолдирилади. Улар ишга биринчи навбатда қабул этиладилар. Ҳўжаликни ривожлантириш беш йиллик планида уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун махсус маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

Бу тадбирлар катта молиявий харажатларни ва кенг маъмурий ишлар олиб боришни талаб этади, албатта. Қолоқ қабила ва паст табақаларнинг Ҳиндистон қонунларида қайд қилинган умумий сони юз миллион кишини, яъни мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Паст табақа ва қолоқ қабилаларнинг социал ва иқтисодий даражалари умум миллат даражасидан ҳали ҳам анчагина орқада қоляпти. «Маълум даражада тараққиёт бўлишига қарамай, — деб қайд қилинади шу муносабат билан Ҳиндистоннинг амалдаги тўртинчи беш йиллик планида, — қолоқ қабила ва паст табақаларнинг турмуш даражасида яхши томонга қараб ҳали кескин ўзгаришлар юз берганича йўқ. Бу группаларни аҳолининг бошқа қисми билан бирлаштириш борасида ҳали кўнгилдагидек тараққиётга эришганича йўқ».

Гап бу кишиларнинг моддий ва маданий даражасини кўтариш учун зарур бўлган моддий сармояларнинг етишмаслигидагина эмас. Уларни социал ва иқтисодий ривожлантириш йўлида хурофий одатлар ва Ҳиндистон турмуши ва фаолиятининг бутун соҳаларига чуқур илдиз ёйган эски феодал сарқитларнинг яшовчанлиги жиддий тўсқинлик қиляпти.

Саноат корхоналари ва кооперативлар сонининг ўсиши, жамоатчилик транспорти, маориф, соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланиши кишиларнинг ўзаро муносабат доираларини кенгайтиряпти. Уларга бир идишдан сув ичиш, бир курсида ўтириш, бир станокда ишлашга тўғри келяпти. Буларнинг ҳаммаси табақачилик тушунчаларини пасайтириб кўяди, тинчлик, меҳнатда ўртоқларча бирдамлик ваъзиятини юзага келтиради. Ҳиндистон республикаси ўз тараққиётига тўсқинлик қилувчи эски реакцион урф-одатлар ва анъаналарни илдизи билан йўқотиш ишида дуч келаётган қийинчиликлар шубҳасиз енгиб чиқади.

Валентин ОСИПОВ.
ТАСС мухбири.

ЎҒРИ ПОЛИЦИЯЧИЛАР

Яна бир неча кундан кейин президент Линдон Жонсоннинг қараб чиқиши учун АҚШ да жиноятчиликнинг ўсиши ҳақидаги махсус доклад топширилади. Бу доклад яқинда президентнинг «Мамлакатдаги аҳвол ҳақида»ги мактубида эълон қилинган «жиноятчиларга қарши уруш»да ҳукуматга ёрдам бериши керак. Собиқ адлия министри Катценбах бошчилигидаги махсус комиссия бу фавқулодда кескин масалани ўрганиш билан бир ярим йил шуғулланди.

Комиссия ишига юзга яқин мутахассис: юристлар, полиция амалдорлари, психологлар, криминалистлар жалб этилди. Докладнинг тўла тафсилоти Америка матбуотида эълон қилинганича йўқ. Лекин газеталар саҳифаларида пайдо бўлган айрим деталлар ҳам мамлакатда рўй берган аҳволни тасаввур қилиш имконини берди.

Комиссиянинг докладида уқдирилишича, жиноятчиликнинг ўсиши ҳақидаги расмий маълумотлар ниҳоят даражада камайтириб кўрсатилган. Мисол учун АҚШда статистикадагига нисбатан уч баравар кўпроқ таловчилик, қулф синдириб ўғирлик қилиш ва ҳаракатли ҳақорат қилиш ҳоллари рўй бериб туради. Вояга етмаган ўсмирлар ўртасида кучайиб кетган жиноятчилик айниқса кескин масала бўлиб қолди.

Комиссия докладининг тартиб сақловчиларнинг ўзларига яъни полиция чилар ва судьяларга тааллуқли хулосаси диққатга сазовордир. Комиссия АҚШда ҳуқуқ тартиботни сақлаш механизми тубдан янгиланиши кераклигини аниқлади. У бошидан-оёғигача чириб кетган, унда порахўрлик ҳукм суради.

Полициячилар, деб кўрсатилади докладда, ҳамма ерда пора оладилар.

Суд аппаратларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Комиссиянинг қайд қилишича, биринчи инстанциядаги судларда сансалорлик ва порахўрлик ҳукмронлик қилади.

Хўш, АҚШда жиноятчиликни ўрганиб чиққан комиссия аъзолари оптимистик бўлмаган бу хулосаларга асосланиб, президентга нимани тавсия қилмоқчи бўладилар? Биринчи навбатда ўз ахлоқий қиёфаси билан кўпинча жиноятчилардан фарқ қилмайдиган полицияни соғломлаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни тавсия қилмоқчи бўладилар. Шундай қилиб мутахассисларнинг ҳукми равшан: Америкада жиноятчиликка қарши ҳужка кўрсин учун эмас, балки чинакам урушни эълон қилишдан олдин дастлаб ўз уйингда тартиб ўрнатиш, яъни ҳукумат жиноятчилар оламига қарши қўймоқчи бўлаётган полициячилар ўртасида тартиб ўрнатиш билан жиддий шуғулланмоқ керак.

А. ДРУЖНИН.
(АПН)
Нью-Йорк.



Қора денгизнинг жанубида об-ҳаво нескин ёмонлашди. Турция порти Хопа рейдида «Сумер» пароходи тўлқинлар ҳужуми остида қолди. Баланд фортаналар ва ғарбий-жанубдан эсаётган шамол пароходнинг Турция портида яширинишига имкон бермади.

Капитан Сеит Оздемир Батумига томон йўл олишга қарор қилди. Батуми портининг лоцмани Анзори Дзенеладзе мушкул аҳволда қолган кемани моҳирлик билан портга киритди. Турция денгизчиларига тегишли ёрдам кўрсатилди ва улар меҳмондўстлик билан кутиб олинди. Об-ҳаво яхшиланганидан кейин «Сумер» кемаси Турция соҳилларига қараб йўл олди.

СУРАТДА. Турция денгизчилари Батуми портчиларини табриклашмоқда.

К. Анастасьев фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



«ТОШКЕНТ ХОККЕЙЧИЛАРИ».

В. Таматаев фотоэтюди.

БУ ЙИЛГИ «ЖАНГ»ЛАР

БАСКЕТБОЛ

Баскетбол бўйича бу йил масъулиятли ва кескин жанглар бўлади. Февралдан бошлаб қишки Бутуниттифоқ мусобақалар бошланди. Яна жаҳон чемпионати, Европа биринчилиги чемпионати ва универсиада турнири ўтказилади.

Шунингдек, энг асосий спорт форумларидан бири СССР халқлари IV спартакиадасидир. Юқоридаги мусобақаларда ўз маҳоратини тўла намоён қилган баскетболчилар мамлакатимиз терма командаси составидан мустаҳкам ўрин оладилар ва СССР терма командаси составида жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этадилар.

Аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати мусобақалари Чехословакияда 14—23 апрелда ўтказилади. Эркаклар жаҳон чемпионати эса Уругвайнинг пойтахти Монтевидео шаҳрида 25 майда бошланади.

Баскетболчиларнинг Бутуниттифоқ қишки мусобақалари жаҳон чемпионатида қатнашиш учун генерал репетиция ролини ўтайди. Бу қишки мусобақаларда мамлакатимиз терма командалари конкурсдан ташқари қатнашади.

Совет Иттифоқининг энг кучли командалари икки подгруппага бўлинган ҳолда ўзаро беллашадилар. «А» подгруппасида (эркаклар) МАСК (Москва), АСК (Рига), «Жальгирис» (Каунас), «Спартак» (Ленинград), «Калев» (Тарту), «ВЭФ (Рига) командалари ўйнайди. Бу командалар билан СССР терма командаси баскетболчилари ҳам конкурсдан ташқари учрашувлар ўтказади. Эркаклар командалари турнири Каунас шаҳрида ўтказилади.

«А» подгруппасидаги аёллар командалари ҳам Каунас шаҳрида беллашадилар. Булар ГПИ (Тбилиси), «Динамо» (Москва), АСК (Ленинград), «Спартак» (Москва области), «Политехника» (Каунас), «Кибиркштис» (Вильнюс) ва СССР терма командаларидир.

«Б» подгруппасига кирган аёллар ва эркаклар командалари Свердловск шаҳрида учрашадилар. Эркаклар командаларини, «Строитель» (Киев), «Буревестник» (Тбилиси), АСК (Киев), «Уралмаш» (Свердловск), «Динамо» (Тбилиси), АзИНХ (Боку) командалари ташкил этади.

Аёллар подгруппасини эса ТТТ (Рига), «Буревестник» (Ленинград), «Динамо» (Киев), «Динамо» (Новосибирск), «Уралмаш» (Свердловск), «Текстильмаш» (Тошкент) командалари ташкил этади.

Подгруппадаги учрашувлар 1—8 февралда ўтади. Иккинчи финал тур эса 22 февралдан 2 мартгача Ленинградда (аёллар) ва Киевда (эркаклар) ўтказилади.

Пойтахтимизнинг Армия спорт клуби баскетболчилари иккинчи группада қатнашади. Улар саралаш ўйинларини 1—8 февралда Қозон шаҳрида «Б» подгруппасидаги Москванинг «Динамо», Бильнюснинг «Пластикась», Донецкнинг «Авангард», Қозоннинг «Буревестник», Кишеневнинг «Инждорстрой» ва Ашхободнинг «Заҳмат» командалари билан учрашади.

Ёшлар ҳам яқин кунлар орасида катта мусобақалар қўйинга шўнғийдилар. СССР Баскетбол федерацияси ёшлар ва қизлар ўртасида мусобақа ўтказади.

Республикамизнинг 1951—1952 йилда туғилган ўғил-қизлари Ашхобод шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Украина (икки командаси), Москва (икки командаси) командалари билан учрашади. Бу учрашувлар 23—29 мартда бўлиб ўтади. Учрашувларда биринчи ва иккинчи ўринни олган командалар Каунас шаҳрида бўладиган финал мусобақаларга йўлланма оладилар. Финал олишувлар 30 апрелдан 5 майгача давом этади.

Республикамизнинг 1949—1950 йилда туғилган йигит-қизлари ҳудди шу муддатларда Қарағанда шаҳрида Москва (икки командаси), Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон баскетболчилари билан учрашадилар. Бу учрашувларнинг ғолиби Донецк шаҳридаги финал жангларга йўлланма олади.

Ёшларимиз тайёргарлигининг асосий синови Ленинград шаҳрида бўладиган СССР халқлари X спартакиадасидир. Бу спартакиада июль ойида Иттифоқимиз баскетболчиларининг тайёргарлигини синовчи катта кўрик бўлади.

СПОРТ ҲАНГОМАЛАРИ

ИЎЛИ ТОПИЛДИ

«Энте Пард» командасининг баскетболчи қизлари ўз майдонида «У. С. Париж» командасига ютқазаётган эди. Майдон эгаларини ҳеч нарса мағлубиятдан қутказа олмаслигига ишонган ишқибозлар стадионни ташлаб кета бошладилар.

Лекин «Энте» командасининг содиқ мухлисларидан бири кўп ўйлаб ўтирмади. У полициячиларга билинтирмай, чемоданидаги оқ сичқонларни майдонга чиқариб юборди.

Баскетболчи қизлар қўрқувдан майдонни ташлаб қочдилар. Ўйин эса бошқа кунга кўчирилди.

ИШҚИБОЗ ҚУЁН

Ўтган йили Швециянинг Мальме шаҳрида бўлиб ўтган футбол ўйинларининг бирида стадионда қуён пайдо бўлди. У ишқибозларни ҳайратда қолдириб, майдонни ташлаб чиқиб кетмади, дарбоза олдида турib ўйинни кузата бошлади.

Ҳодиса яна қайтарилди. қўрқувни ҳам унутиб, футбол ўйини юрагидан ургандек, томоша қиларди. У чинакам ишқибозларнинг бири бўлиб қолди. Қуён мавсумни Дания ва Швеция халқаро учрашуви билан тугатди.

Бу йилги биринчи ўйинларда қуён келмади. Ишқибозлар уни орзиқиб кута бошладилар. Мальме ва Лейпциг клубларининг халқаро ўртоқлик учрашувлари вақтида у сакраб яна стадионда пайдо бўлди.

Тўрт оёқли футбол ишқибози ўйинларнинг кизиғини танлай бошлаганга ўхшайди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

8 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 Республикалари миз халқлари қўшиқлари ва рақслари.
18.30 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторларининг романслари.
19.20 Қозоқ куйлари.
20.00 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.
20.45 **«Ўзбекистоннинг юз мингинчи трактори тайёр»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
22.00 Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида. К. Ориповнинг «Коллектив ва шахс» деган суҳбат (ўзбекча).
22.15 Ўзбекистон радиоси ва телевиденеси солистлари С. Аминов ижросида қўшиқлар.
22.40 **«Поэзия кечаси».** М. Икром ва П. Мўмин шеърлари (ўзбекча).
23.20 **«Қишлоқ клуби кечаси»** деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Совет Армияси ҳақида қўшиқлар.
19.30 **Қардош халқлар адабиёти.** Қайсин Қулиев шеърлари (ўзбекча).
20.10 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.
20.50 Украина радиосининг эшиттириши (русча).
21.00 Тожикистон санъат усталарининг концерти (тожикча).
21.30 Корейс куйлари.

Телевидение

8 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Ярим аср йилномаси. **«Тошга битилган достон».** Болалар учун эшиттириш.
18.45 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. «Экономикани ўрганамиз».
19.00 **«Хатлардан-қўшиқларга».** Концерт.

Рус тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.
20.15 «Буюк инсон ҳақида сўз». Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш.
20.55 Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Бутуниттифоқ санъат ҳаваскорлари фестивали. Симферополь шаҳридан олиб кўрсатилади.
22.00 Ф. Вигдорова. **«Ҳаётга йўл».** Телеспектаклнинг иккинчи қисми.
23.20 «Фойда ўз қўлингда».
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Янги эстрада асарлари. Таллин шаҳридан олиб кўрсатилади.
00.25 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Пионер ишлари ҳақида.
18.25 «Шатакка олинган қиз». Болалар учун кинофильм.
18.55 Телевизион янгиликлар.
19.05 «40 ёшдан ошганда». Илмий-оммабоп фильм.
19.25 «Сонетларни тинглаб». Б. Шоу пьесаси асосида телефильм.

Ўзбек тилида:

20.05 «Кичик Иллимар». Телефильм.
20.45 Телевизион янгиликлар.
20.55 Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети IV Пленуми қарорлари — амалда. **«Қишлоқ ўқитувчиси».**
21.10 **Тожик куйларидан концерт.**
21.40 «МАЙДОНДАГИ ҚОТИЛЛИК». Бадиий фильм.

9 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 «Колокольчик» пионерлар клуби.
18.45 «ЧАПАЕВ». Бадиий фильм. В. И. Чапаев туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланади.
20.20 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.25 Телевизион янгиликлар.
20.40 **«Навоий назми тароналари».** Шоир туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан.
21.50 «ОРАДАН ҚАНЧА ВАҚТЛАР ЎТИБ КЕТДИ». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Кичкинтойлар, сизлар учун. **«Боғчажоним чиройли».**
18.25 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сиртдан таълим олаётган студентлар учун. Чизма геометрия.
19.35 **Беш йиллик илғорлари.**
19.50 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Мактабгача ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
20.30 Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги олдидан. **«Ер ҳақида декрет».**
21.00 Халқаро мавзуларда эшиттириш.
21.30 **Хоккей бўйича СССР биринчилиги.** ЦСКА—СПАРТАК. Танаффус вақтида телеянгиликлар.
23.40 Телевизион янгиликлар.
24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/II да **Спартак**, 9/II да **Фауст.** ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРДА — — 8/II да **Вероналик икки йигит**, 9/II да **Оқ кабутар.** МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/II да **Икки билагузук**, 9/II да **Ўғил уйлантириш.**

9 февраль эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Фанлар Академиясининг катта мажлислар залида (Гоголь кўчаси, 70).

НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ТРАДИЦИОН ИЛМИЙ СЕССИЯ очилади.

Хоҳлаган кишиларнинг келишлари мумкин.

Кино театрларда

8 ФЕВРАЛДА

Бўри феъл — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда).

Аччиқ гуруч — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Дзюдо доҳийси (I ва 2-серия) — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Парда орқасидаги ёруғлик — «МОСКВА» (кечқурун). «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Хўжа Насриддиннинг 12 қабри —НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40 минутда, ўзбек тилида).

Дурангсиз ўйин — «ВОСТОК» (кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ
6-қурилиш трестининг

янги ташкил қилинган қурилиш-монтаж бошқармасига бўлим мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ва уларнинг ўринбосарлари, линия ишчилари, кадрлар бўйича **старший инспектор**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар 5-12-89, 5-14-38, (3, 9, 11-троллейбуслар ва 24-автобуснинг «Леваневский» тўхташ жойи).

1967 йил 22 февраль кундуз соат 12 да, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти конференц-залида (Тошкент шаҳар-7, генерал Петров кўчаси, 51-уй) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Р. А. Аҳмедова «Бутифос таксикологияси ва уни пахтачиликда қўллашдаги меҳнат гигиенаси» деган темада.

Т. Искандаров «Эркин цианамид таксикологияси бўйича эксперимент натижалари ва шу асосдаги профилактик тадбирлар» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни кабул қилади.

Шу жумладан: **ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш** ҳақида, **таъзия, ҳар-хил буюмларни сотиш** (уйлар, хоналар, мебеллар, гуллар в. б.) **штампа, думалоқ печатлар, стуклик аттестатлари, дипломлари** йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 3-қават, 41-хона.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ

транспорт бошқармаси ва **Тошкент автобазаларига**

Автотранспорт ремонти ва ундан фойдаланиш бўйича **инженер-техник ишчилари,** автотранспорт хисоботи ва иқтисоди билан таниш **бош** ва **старший бухгалтерлар, иқтисодчилар, бўлим бошлиқлари** ва **кадрлар бўйича старший инспекторлар** ҳамда **шофёрлар** ҳамда **автомобиль** тузатувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уй, кадрлар бўлими. (11, 14, 26-автобуслар, 1, 4, 8-троллейбуслар, 7, 8-трамвайларнинг «Облисполком» остановкаси).

Тошкент оқшоми 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор В3.02-49 дан В3.02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат—5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими—3-66; саноат, қурилиш бўлими—3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—7-83; шаҳар хўжалиги бўлими—7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; хатлар ва оммавий ишлар бўлими —3-79; (шаҳар телефони —В3-65-57); фан ва олий ўқув юртлари бўлими —7-84; иллюстрация бўлими — 7-84; эълонлар бўлими —5-07; (шаҳар телефони— В3-81-42).

8 ФЕВРАЛЬ, 1967 Й. Р. 08087. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. А. № 2327.